ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00274

ЎЗБЕКИСТОНДА ГРЕКЛАР ДИАСПОРАСИ ТАРИХИ

Жуммагул Номазовна Абдурахманова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистондаги кам сонли миллатлар тарихи грек миллати мисолида ёритиб берилган. Грек миллати вакилларининг Иккинчи жаҳон уруши таъсири натижасида ватанидан қувғин қилиниши жараёни, уларнинг Ўзбекистонга ҳам кўчириб келтирилиши, Ўзбекистонда грек диаспорасининг ҳаёти, Ўзбекистон халқининг инсонпарварлиги, ғамхўрлиги, бағрикенглиги ва грекларга ҳам беғараз ёрдами тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Диаспора, кам сонли миллатлар, глобалл масалалар, иккинчи жаҳон уруши, қувғин, инсонпарварлик, ғамхўрлик, бағрикенглик.

HISTORY OF THE GREEK DIASPORA IN UZBEKISTAN

Jummagul Nomazovna Abdurahmanova
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article describes the history of ethnic minorities in Uzbekistan on the example of the Greek nation. The process of expulsion of Greeks from their homeland as a result of the Second World War, their resettlement to Uzbekistan, the life of the Greek diaspora in Uzbekistan, the humanity, care, tolerance and generous assistance of the Uzbek people to the Greeks were studied.

Keywords: Diaspora, minorities, global issues, World War II, persecution, humanity, care, tolerance.

КИРИШ

Ўзбекистон кўп миллатли давлатлар сирасига киради. Ватанимиз ҳудудида бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил яшайди. Республикамиздаги турли миллат ва элатларнинг миллий анъана, қадриятларини асраб–авайлаш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8–моддасида “*Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”*[1] деб белгилаб қўйилгандир. Конституциянинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00274

18–моддасида эса *“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир”*[2] дейилган. Асосий қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллатга мансуб инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлигининг таъминланиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда уч мингдан ортиқ миллат ва элатлар яшаб келаётган 200 дан ортиқ давлат мавжуддир.

Дунё аҳолисининг миграцион жараёнлари инсоният тараққиётида ўзига хос ўрин тутадиган ҳолатлардан биридир. Бу жараён XX асрга келганда жаҳондаги глобалл масалалардан бирига айланди. Ўз навбатида мазкур миллат ва элатлар ўзига хос маданият, ҳаёт тарзи ҳамда тили билан фарқ қиладиган диаспораларни ташкил қилган.

Диаспоралар аҳолининг мажбурий ёки ихтиёрий равишда кўчиб кетиши натижасида вужудга келади.

Ер юзида ҳозирги кунда турли миллат ва элат вакиллари маълум бир ҳудудда миллий диаспораларни ташкил этган ҳолда истиқомат қилиб келишмоқда. Ўзбекистонда ҳам турли миллат ва элатларга мансуб диаспоралар истиқомат қилиб келишмоқда. Республикамизда мавжуд диаспоралардан бири бўлган грек диаспорасини ўрганиш ҳам ҳозирги кундаги долзарб мавзулардан биридир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда сиёсий муҳожирлар сифатида Ўзбекистонга кўчирилган грекларнинг бу юртда яшаб, жамиятда ўз ўринларини топа олишганлиги Ўзбекистон халқининг бағрикенглиги, инсонпарварлиги, ғамхўрлиги натижасида бўлганлигини ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги кунда кўплаб тадқиқотчилар томонидан диоаспоризация билан боғлиқ муаммолар бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Диаспоралар тарихи, жамиятда тутган ўрнига қаратилган илмий–тадқиқот ишлари Ўзбекистонда ҳам бир қатор тадқиқотчи ва олимлар томонидан ҳам амалга оширилиб келинмоқда.

Греция давлатида рўй берган ижтимоий–сиёсий ўзгаришлар, фуқаролар уруши, унинг оқибатида демократик армия аъзоларининг бир қисми

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00274

мамлакатдан қувғин қилиниши хорижлик тадқиқотчилар Edgar O' Ballance (1966), Govard Jons (1989), Major Frank J. Abbott (1994), T. Lomperis (1996), Jeykob Berkovich, Richard Jekson (1997), Jose Cristy (1999), Nikos Marantzidis, Giorgos Antonio (2004), Frank H. Zimmerman (2007), Michael B, O' Sullivan (2010), Katelyn Squires. Erisian Mysteries (2018), А.Кожанов (2014), С.Балашкин (2018) [3] ва бошқаларнинг қатор асарлари ҳамда мақолаларида ўз аксини топган.

W.Connor (1994), J.Clifford (1994), R.Cohen (1997), Mary Lodigiani (2015), G.Sheffer (2003), У.Сафран (2004), М.А.Аствацатурова (2002), В.И.Дятлов (1999, 2015), Т.С.Илларионова, З.И.Левин (2001), А.В.Милитарев (1999), Т.В.Полоскова (1999), В.Д.Попков (2003), В.А.Тишков (2000), Ж.Т.Тощенко (1996), Т.И.Чаптикова (1996), А.Атаев (2015)[4] ва бошқаларнинг кўплаб илмий–тадқиқот ишларида, асарларида диаспора мавзусига оид кенг кўламли масалалар ёртиб берилган.

Ўзбекистондаги диаспоралар ҳақида, Ўзбекистон халқининг мамлакатимиздаги кам сонли миллатларга нисбатан бағрикенглиги, ғамхўрлиги, инсонпарварлиги, мамлакатимизда уларга нисбатан яратилган шарт–шароитлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни Р.Ҳ.Муртазаева (2010, 2016, 2019), А.С.Сагдуллаев (2018), К.Саипова (2018), Ж.Н.Абдурахманова (2018), Б.Ҳайназаров (2018), А.Одилов (2019), Д.Иноятова (2019)[5] ва бир қатор бошқа тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари, монографиялари ҳамда асарлари орқали танишиб чиқишимиз мумкин.

Ўз навбатида Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган бошқа миллатлар вакиллари билан бир қаторда грек диаспорасини, ушбу диаспора тарихи ва бугунги кундаги ҳолатини тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган энг асосий мавзулардан биридир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонга грекларнинг кўчирилиши тарихига назар солар эканмиз бу ҳолатга бевосита иккинчи жаҳон урушининг таъсирини кўриш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин Греция ҳам Европадаги бошқа давлатлар қаторида фашизм гирдобига тушиб қолади. 1940 йил 28-октябрда Италия қўшинлари, 1941 йил 6 апрел куни Гитлер Германияси қўшини мамлакатга бостириб киради ва улар томонидан 2-июнда Греция батамом эгаллаб олинади[6]. Мамлакатда босқинчиларга қарши курашиш учун ватанпарвар кучлар томонидан 1941 йил 27-сентябрда Миллий озодлик фронти,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00274

шу йил декабр ойида Халқ озодлик армияси (ЭЛАС) тузилади[7]. Озодлик кучлари томонидан фашистларга қарши кураш олиб борилди. 1946 йилда Грецияда монархиянинг тикланиши натижасида фуқаролар уруши бошланиб кетади. 1946 йил октябрда тараққийпарвар кучлар томонидан демократик армия тузилди[8]. Ушбу армия миллий мустақиллик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун уч йил мобайнида кураш олиб борди. 1949 йил октябрда фуқаролар уруши монархиянинг тўла ғалабаси билан якунланди.

Мағлубиятга учраганган демократик куч вакиллари ўз мамлакатини ташлаб қўшни давлатлардан бошпана ва паноҳ топишга мажбур бўлганлар. Собиқ совет давлатига келиб қолган грекларнинг 12 мингдан ошиғи 1949 йилда Ўзбекистонга ҳам кўчирилган[9]. Ўз ватанларидан қувғинга учраган, юртидан айрилган ушбу инсонларнинг Ўзбекистонда яшаб қолишлари, бу юртга ўрганишлари, ишга жойлашишлари, ўқиб билим олишларида бевосита маҳаллий халқнинг инсонпарварлик, ғамхўрлик ва бағрикенглиги туфайли берган ёрдамларида эришганлар. Натижада греклар завод ва фабрикаларга ишга жойлашдилар, бошпанага ҳам эга бўлдилар. Гарчи, ўзбек халқи урушдан кейинги оғир даврларни бошдан кечираётган бўлсада, бу муҳожирларга ўзларининг беғараз ёрдамларини аямадилар. Кўчириб келтирилганларга маълум маблағлар ажратилди, билим олишлари, касб–ҳунар эгаллашлари учун турли курслар ҳам ташкил қилинди.

1975 йилда Грецияда монархия тузуми ағдарилади. Мамлакатдаги сиёсий вазият яратила бошланди. Қувғинга учраган муҳожирлар учун ўз ватанига қайтиш имконияти юзага келди. Натижада дунёнинг кўплаб давлатларидан бошпана топган греклар ўз ватанига қайта бошлашди. Жумладан, Ўзбекистондаги грекларнинг аксарият қисми ўз юртига қайта бошлашди. Ўзбекистонда қолишни ҳоҳлаган бир қисм греклар Грецияга қайтмасдан шу юртда истиқомат қилиб келишмоқда.

Мустақиллик халқимизга хос бўлган миллатлараро тотувлик, бағрикенглик фазилатлари янада юксалтирди. Республикамиздаги барқарор сиёсат туфайли миллатлараро муносабатлар янада такомиллашиб бормоқда. Миллатлар ўртасидаги тотувлик.

ХУЛОСА

Ўзбекистон халқи энг оғир, совет мафкураси ҳукмрон бўлган йилларда ҳам, фашизмга қарши уруш, инг аянчли йилларида, урушдан кейинги оғир йилларда ҳам Шарқ маънавиятининг энг яхши анъаналари амал қилиб, ўз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00274

юртидан айрилган инсонларга ғамхўрлик қилишди. Ўз навбатида инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик каби халқимизга хос эзгу фазилатларни кўриш мумкин.

Миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, эътиқод эркинлигини таъминлашган қаратилган ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда 16 та диний конфессия, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч–тотув яшаб келмоқда. Бундан ташқари республикамизда улар учун кенг миқёсдаги имкониятлар яратилган бўлиб, натижада ҳар бир миллат вакилларининг миллий маданий марказлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 140 дан ошиқ миллий маданий марказлар билан бир қаторда 1997 йил 4 мартда Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Грек маданияти жамияти” ҳам фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб давлатимизнинг миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган сиёсати янги босқичга кўтарилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 8–модда. Т.; “Ўзбекистон”. 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 18–модда. Т.; “Ўзбекистон”. 2017.
3. Абдурахманова Жуммагул Номазовна. Иккинчи жаҳон урушининг грек халқи ҳаётига таъсири (Ўзбекистонга кўчирилган греклар мисолида). // Ўтмишга назар. 2020. Апрел. 1-қисм. Махсус сон. Б-81
4. Jummagul Nomazovna Abdurakhmanova. Attitudes And Social Protrction Of People With Disabilities During The Fight Against Fascism. // The American Journal of Social Science and Educational Innovations. 2020. USA.Vol.02, Issue 12-08, Page 37-42.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Р-837 фонд, 42-рўйхат, 52-йиғма жилд, 2-варақ.
6. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
7. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442
8. Тошев, Солежон Аҳматжонович.(2020). Ўзбекистон совет мустамлакачилик даври тарихининг Туркияда ўрганилиши. Ўтмишга назар.2(2-махсус сон). 347-353
9. Abdurahmanova J.N .(2020).The impact of World War II on the lives of the Greek people" (on the example of the Greeks deported to Uzbekistan). “Looking to the past” (1) Special issue. 79-82.